ЭСТЕТИК БИЛИМНИНГ ИЖТИМОИЙ ЗАРУРИЯТИ

Баҳодир Эргашевич Ҳусанов
Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти доценти

АННОТАЦИЯ

Мақолада эстетик билим ва унинг жамият ҳаётида тутган ўрни, ижтимоий аҳамияти ва инсон маънавий камолотига таъсири таҳлил қилинган ҳамда глобаллашув даврида эстетик билимни ўзлаштиришга бўлган эҳтиёжнинг ортиши билан боғлиқ масалалар илмий муҳокама қилинади.

Калит сўзлар: эстетика, эстетик билим, эстетик тарбия, гўзаллик, ғоявий таҳдид.

SOCIAL NECESSITY OF AESTHETIC KNOWLEDGE

Bahodir Ergashevich Husanov
Associate Professor of Chirchik State Pedagogical Institute of Tashkent region

ABSTRACT

The article analyzes aesthetic knowledge and its role in society, its social significance and impact on human spiritual development, and discusses issues related to the growing need for aesthetic knowledge in the era of globalization.

Keywords: aesthetics, aesthetic knowledge, aesthetic education, beauty, ideological threat.

КИРИШ

Эстетик билимни мустаҳкамлаш масалалари бевосита нафосат фалсафасини, билвосита эса санъат фалсафасининг муҳим вазифалари сирасига киради. Айниқса, глобал таҳдидлар кучайиб бораётган XXI асрда эстетик билимга эҳтиёж тобора ортмоқда. Эндиликда эстетик билимга оид назариятларни ўзлаштириш, балки уни амалиётга жорий этиш дарвнинг долзарб масалалари сифарсига киради. Шу боис мамлакатимизда таълим соҳасидаги ислоҳотларнинг стратегиясини белгиловчи дастлабки ҳужжат - “Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури”да ҳам “Узлуксиз таълимни ташкил этиш ҳамда ривожлантириш принциплари” сифатида таълимнинг ижтимоийлашуви – таълим олувчиларда эстетик бой дунёқарашни ҳосил қилиш” алоҳида кўрсатиб ўтилганлиги бежиз эмас.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Ғоявий таҳдиларга қарши курашишда эстетик билимни ривожлантиришни эстетик тарбиядан айри ҳолда амалга ошириш мумкин эмас. Сабаби, бугунги кунга келиб ғоявий таҳдидларга қарши кураш айнан эстетик билимни тақазо этмоқда. Шу боис Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов ёш авлодни миллий эстетик тарбия, гўзал ахлоқ-одоб асосида вояга етказиш доимо долзарб аҳамият касб этиб келганлиги, бу масалага эътибор бермаслик бутун жамият учун жуда қимматга тушиши мумкинлигини алоҳида кўрсатиб ўтган эди [1].

Ҳозирда эстетик билимлар доираси шу қадар кенгайиб бормоқдаки, у деярли барча соҳалар ва тармоқларга кириб кириб бормоқда. Масалан, соғлиқни сақлаш тизимида – тиббиёт эстетикаси, экология соҳасида – экологик эстетика, техникавий тараққиёт соҳасида – техника эстетикаси (дизайн), биология соҳасида – биоэстетика ва ҳоказо. Бу жараён бир томондан, жамият маънавий ҳаётини юксалтиришга хизмат қилаётган бўлса, иккинчи томонидан турли таҳдидларга қарши маънавий ҳимоя воситасини ўтамоқда.

Эстетика фани инсоннинг кундалик ҳаётига ғоятда яқин. Чунки, эркин, демократик жамиятимизнинг ҳар бир аъзоси гўзалликни чуқур ҳис этадиган, уни асрайдиган нафис дид эгалари бўлишлари, ҳақиқий бадиий асар билан савияси паст асарни фарқлашлари, «оммавий маданият»нинг ғайриэстетик хусусиятларини рад қила олишлари лозим. Бунинг учун эса таълим тизимида эстетика фанига бўлган ҳозирги муносабатни тубдан ўзгартириш зарур. Чунки, жаҳондаги нуфузли олий таълим муассасаларида эстетика фанини ўқитиш масаласига жиддий эътибор қаратилади. Биргина Гарвард Университетида (АҚШ) эстетика бўйича 3 та марказ, 18 та йўналишда (бу йўналишда эстетика соҳасига доир 46 та фан ўқитилади) илмий тадқиқот ҳамда таълимий ишлар олиб борилаётганлиги, Оксфорд Университетида (Англия) эса “Эстетика” факультети мавжудлиги ва унда шу соҳага доир 66 та фан ўқитилиши эстетик билимларга бўлган эътибор катта эканлигидан далолат беради. Шу маънода, файласуф олим Абдураҳим Эркаевнинг “Курашдаги икки тўлқин ... ёхуд асл ва сохта маданият бахси” номли мақоласидаги ушбу фикр ғоятда аҳамиятлидир: “Ёшларни китоб ўқишга ўргатмоқ мумтоз ва замонавий юксак санъат асарларига қизиқтирмоқ, эстетик ва ахлокий тарбия савиясини кўтармок керак Маънавий тарбиянинг асосини ташкил қилувчи этика на эстетика фанларини ўқитишни олий ўқув юртларида қайта тиклаш мақсадга мувофиқ. Акс ҳолда таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимида тарбия жараёни қашшоқлашиб,

бирёқламалик авж олади. Бўлажак мутахассис технократ, ўқитувчи ва тарбиячи насиҳатгуй сафсатабоз бўлиб етишади”, деган фикри мутлақо тўғри [2].

Ғоявий таҳдидга қарши кураш ёшлардан маънавий жиҳатдан мустаҳкам бўлган эстетик тайёргарликни тақазо этади. Биргина фаросат ва унинг фазилатини англаш, амал қилиш барча таҳдидларнинг мазмун-моҳиятини тушуниш имконини беради. Шу боис ҳар даврда фаросат тарбиясига нозик ва назокатли илм сифатида муносабат билдирилган. Чунончи, олмон мумтоз эстетикасининг намоёндаси Иммануил Кант фаросатни “Ботиний оламни ўрганувчи илм” дейди [3]. Шунингдек, улуғ ахлоқшунос Ҳусайн Воиз Кошифий “Ахлоқи мухсиний” асарининг “Фаросат баёни” деб номланган 34-бобида фаросатни “ҳукумат ишлари орасидаги улуғ шартлардан бири” деб эътироф этади. Унинг фикрига кўра “Ҳукумат зийнати фаросат зевари билан гўзалдир” ҳамда “Ҳар бир нарса фаросат аҳлидан яширин эмас, фаросат Ҳақ Таолонинг мўмин бандага берган нури”дир [4].

Бурҳониддин аз-Зарнужий (XII аср) “Таълим ал-мутааллим – Илм олувчига таълим-тарбия” номли рисоласида сабр ва қаноат фаросатни юксалтирувчи ахлоқ меъёрлари эканини, илм истовчининг фаросати айнан шу фазилат орқали рўёбга чиқишини таъкидлайди. У шерик иҳтиёр қилиш ва уни танлашда ҳам ҳаракатчан, парҳезкор, тўғри таъб соҳиби ва фаҳм-фаросатлисини ихтиёр қилиши кераклигига, дангаса, бекорчи, кўп гапирувчи, фисқу фасодга берилган фитначи (шерик)дан қочиши зарурлигига эътибор қаратади: “Илм толибининг фаросати ўз устозига бўлган муносабатида ҳам намоён бўлади. Толибнинг фаросати устозга улуғлик келтиради” [5]. Бу тамойилларнинг эстетик мазмунини пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в)нинг “Қўрқинглар мўмин фаросатидан, у Худо нури билан қараб ҳар нарсанинг замирига ета олади”, - деган ҳадиси билан асослаш мумкин [6].

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Бугунги кунда одамларга, айниқса ёшларга “ҳузур-ҳаловат ва лаззат манбаи” сифатида тақдим этилаётган маълумотларнинг аксарияти ҳорижий оммавий-ахборот воситалари ҳамда Интернет тармоқларидаги турли хил сайтлар ҳисобига тўғри келмоқда. Кейинги пайтларда фетишэстетика (енгил-елпи, ялтироқ эстетика), “оммавий маданият”нинг инсон маиший турмуши билан боғлиқ сайтлари шунчалик кўпайиб кетдики, улар ёшларнинг эстетик дидини пасайтиришга ва эстетик дунёқарашини тўпослаштиришга олиб келаётганлиги бугунги кунда очиқ-ойдин намоён бўлиб қолмоқда. Ёшлар тарбиясига бундай ғайриэстетик ғояларнинг таҳдид ва унинг салбий

оқибатларини тушунтириб берадиган илмий назарий асос айнан эстетик билимни юксалтириш орқали амалга ошади.

Эстетик билимнинг ҳозирги кунда умумжаҳоний глобал муаммоларни ҳал қилишдек муҳим вазифаси ҳам борки, улар орасида энг долзарби сайёрамизда нафосатга асосланган эстетосфера муҳитини яратиш билан боғлиқ. Чунки техногенцивилизация даврида техника, технология, умуман ноосфера инсоннинг яшаш муҳитига айланиб қолган. Бинобарин, инсониятнинг табиий эҳтиёжларини қондириш имкониятлари кенгайиб бораётган бир даврда уларнинг эстетик муҳитга эҳтиёжлари ортиб бормоқда. Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, ҳозирги кунда Интернетдан фойдаланувчилар сони кам бўлсада, глобал тармоқда ишлаш ёшлар томонидан жуда қисқа фурсатларда ўзлаштирилиб олинмоқда. Бироқ, ёшларнинг қайси веб сайтлардан фойдаланиши ғоявий тарбия масаласида катта аҳамиятга эга. Бу борада бельгиялик профессор Фрэнк Тевиссон томонидан ўтказилган тадқиқот натижаларига кўра, Европа мамлакатларида 90 фоиз талабалар Интернетдан фойдаланишар экан. Аммо, уларнинг қайси сайтдан фойдаланишларини ўрганилганда, атиги 10 фоиз талаба бевосита ўқув жараёнига тааллуқли сайтларга, 90 фоизи эса, асосан порнографик мазмундаги сайтларга киришни хуш кўриши маълум бўлган.

ХУЛОСА

XXI аср “оммавий маданияти” замонавий қиёфада гўё ривожланган маданий дунёга интеграциялашиш, либераллашиш, демократлашиш ниқоблари остида намоён бўлмоқда. Ёшлар бу ниқоблар остидаги салбий холатлар ва улар шакллантириши мумкин бўлган иллатлар билан умуминсоний қадриятлар орасидаги кескин тафовутни англашлари керак. Биргина “оммавий маданият” ҳодисаси энг аввало, миллий нафосатга зарба бериб, жамиятнинг ғоявий тизимини издан чиқариши билан ҳатарли эканлигини тўғри тушуниш учун ҳам эстетик билим зарур. Бундай ҳавф-хатарга қарши қатьий тура оладиган шахсни шакллантиришда тарбиянинг эстетик кўринишини уйғун холда олиб бориш мақсадга мувофиқ.

REFERENCES

1. Каримов Ислом. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Тошкент: Маънавият, 2008. -67 б.
2. Эркаев Абдураҳим. Курашдаги икки тўлқин ёҳуд асл ва сохта маданият бахси //Тафаккур. -Тошкнт, 2013 йил, №4. – Б. 27-28.

3. Кант Иммануил. Критика способности суждение. -Москва: Наука, 1982. -253 с.
4. Ҳусайн Воиз Кошифий. Ахлоқи мухсиний. -Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти, 2010. – 47 б.
5. Аждодларимиз маънавий меъроси. –Тошкент: Фан, 2014. -54 б.
6. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Саҳиҳи Бухорий (Ал-жомиъ ас-саҳиҳ). -Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2008. -279 б.
7. Нисневич Ю.А. Информация и власть. – М.: Мысль, 2000. – С. 167-173.
8. Xusanov B. (2020). Educational bases of aesthetic upbringing cluster. Образовательные основы кластеры эстетической воспитание. Science and Education. Vol. 2 No. 4 (2020), 64-68.